



2020 yil «27» апрел

№ 181 -К

Toyloq sh. – г. Тойляк

Тойлоқ тумани “Чороғбон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 2 та кўп қаватли 120 хонадонли турар-жой бинолари қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886 сонли “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тумanning “Чороғбон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 2 та кўп қаватли 120 хонадонли турар-жой биноси қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишловчи комиссиянинг 2019 йил 30 декабрдаги далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 6, 23-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб

#### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тойлоқ тумани “Чороғбон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 2 та кўп қаватли 120 хонадонли турар-жой бинолари қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишловчи комиссиянинг 2019 йил 30 декабрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Тойлоқ тумани “Чороғбон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 2 та кўп қаватли 120 хонадонли турар-жой бинолари қурилиши учун ердан фойдаланиш харитасининг 386-контуридаги туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,60 га ер майдони ажратилсин.

3. Туман қурилиш бўлими (С.Эралиев) ажратилган ер майдонида қурилишнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари учун лойиҳа олди архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ) тўпламини тайёрлаш бўйича вилоят Қурилиш Бош бошқармасига ҳокимлик томонидан буюртма бериш ҳужжатларини расмийлаштиришни таъминласин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ж.Хайитов)га Тойлоқ туманида 2 та кўп қаватли 120 хонадонли турар-жой биноси қурилиши учун ажратилган ер майдонини танлов ғолиби аниқлангандан сўнг, жойнинг ўзи (натура)да кўрсатиб бериш ва далолатнома тузиш ҳамда туман ер ҳисоботи (баланси)га тегишли тартибда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Т.Ҳожиқулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Б.Бабоназаров